



МУХАММАД АЗ - ЗАМАХШАРИЙНИНГ "АТВОК-УЗ-ЗАҲАБ" АСАРИДА – ЁШ АВЛОДНИ ТАЪЛИМ ТАРБИЯ ВА МАЪНАВИЙ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ж. Мирахмедов

Қўқон давлат педагогика институти катта ўқитувчиси
ф.ф.б.ф.д, (PhD) телефон 91 2001505
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8112630>

ARTICLE INFO

Received: 24th June 2023

Accepted: 29th June 2023

Online: 30th June 2023

KEY WORDS

Мухаммад аз - Замахшар, "Атвок-уз-заҳаб", «Навобиз ул-калим» («Нозик иборалар»), «Атвок, уз-заҳаб» («Олтин шодалар»), «Ал-фош фи қариб ил-ҳадис» («Рариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар»), «Макрмоти Аз-Замахшарий» («Аз-Зам ах;ш ар и й макрмлари»), «Ал-Кашшоф» («Қуръони қаримга ёзилган тафсири»)

ABSTRACT

Мазкур мақолада Мухаммад аз- Замахшарийнинг "Атвок-уз-заҳаб" асарида – ёш авлодни таълим тарбия ва маънавий шакллантириш масалалари тадқиқ қилинган. Шунингдек, Мухаммад аз- Замахшарийнинг "Атвок-уз-заҳаб" асарида ёш авлодни ёшликдан тарбия қилиш зарурлиги, бунинг учун тарбияда, ота-оналарнинг, мурабийларнинг ибрати муҳим эканлигини, уларнинг ўз фарзандларини илмли, ақлли қилиб тарбиялашлари муҳимлиги ёритилган.

Қуёш нури бекилмайди, ҳақиқат шами сўнмайди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг янги тараққиёт йўлига ўтгач, жамиятимизнинг ўз тарихий ўтмишини англашга қизиқиши кескин кучайди. Бу ҳол буюк тарихимизнинг муайян даврларини ҳаққоний ва холис баҳолаш, жаҳон халқлари маънавий хазинасига салмоқли ҳисса қўшган аждодларимиз меросидан баҳраманд бўлиш ва шу асосда мамлакатимиз тарихий тараққиётининг янги йўналишини белгилаш имконини берди. Аждодларимиз тарихий меросини холисона ўрганиш ва билиш орқали халқимизда тарихий онг ва тарихий хотирани шакллантириш ўз ўтмиши билан фахрланиш туйғуси, унга муносиб бўлиш маъсулиятини кучайтирмоқда. Шунинг учун ҳам Республикамызда бугунги кунда ёш авлод, тарбиясида замонавий омилларга таяниш, айниқса, миллий истиклол ғоясининг асосий тарихий негизи бўлган миллий қадриятлар, анъаналар, буюк алломалар, ота-боболаримизнинг маънавий меросларига асосланишга аҳамият бериш ҳозирги куннинг талабидир.

Таълим муассасалари ва оилада тарбияга доир инсоният яратган бой маънавий мерос бўлган урф-одатлар, қадриятларимизга катта ҳурмат, зътибор билан қараш, ёш авлод тарбиясида улардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса ҳар бир тарбиячи буюк аждодларимиз бўлган Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аз-



Замахшарий». Абу Наср ал-Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк боболаримизнинг ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрлари, ўғитларини усиб келаётган ёшларнига ўргатиши, теварак-атроф билан таништириш, ижтимоий-гуманитар дарсларида уларнинг ўғит-насиҳатларидан фойдаланиши талаб этилади.

Жамиятда инсон омили ҳар доим ҳал қилувчи ўрин эгаллагани туфайли буюк олим ва мутафаккирлар ижодида, панд-насиҳатларида инсонни тарбиялаш, комил инсон бўлиш ғояси асосий ғоя сифатида ифода этилган, ахлоқ-одоб меъёри ҳисобланган.

Ўрта Осиёнинг буюк алломалари ва мутафаккирларидан бири Аз-Замахшарий дир.

Абул-Қосим Махмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз- Замахшарий (1075-1143йил) тилшунослик, луғатшунослик, жуғрофия, ҳадис, фикҳ, тафсир, мантик, аруз ва адабиёт соҳасида баракали ижод қилиб қолмасдан, балки фалсафа ва ахлоқ, илмида ҳам ўз даври учун қимматли ғоялар яратган йирик олимдир.

Аз-Замахшарийнинг «Навобиг ул-калим» («Нозик иборалар»), «Атвок, уз-заҳаб» («Олтин шодалар»), «Ал-фощ фи қариб ил-ҳадис» («Қариб ҳадислар ҳақида ажойиб асар»), «Макрмоти Аз-Замахшарий» («Аз-Зам ах;ш ар и й макрмлари»), «Ал-Кашшоф» («Қуръони қаримга ёзилган тафсир») каби рисолаларида инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, ахлоқ, илм фазилатлари, адолат, имон-эътиқодли бўлиш каби ғоялар ўғит-насиҳат, ибратомуз иборалар шаклида баён қилинади.

Шарқ мамлакатларига қилган саёҳати, ўз ҳаётини тажрибаларига асосланиб, "Атвок-уз-заҳаб фил-ма-воиз ва-л-хутаб" ("Ўғит ва насиҳатларнинг олтин шодалари") асарини ёзган. Асар ёш авлодни яхшилик, эзгуликка чорловчи насиҳат, ўғит, ибрат ва ҳикматли сўзлардан иборат бўлиб, унда инсонийлик, эзгулик, хушхулқлик фазилатлари улуғланади. Асарда ҳар бир инсоннинг инсонпарвар, одамийлик фазилатига эга бўлиши, хушфееъл, самимий бўлмоғи лозимлиги, товламачи, иккиюзламачи, ифвогар, разил одамларнинг инсонга, жамиятга фойдасиз эканлигини "яхшилик билан дур инсон жамоли", - деб таърифлайди, инсонларни ҳалол, ростгўй, ҳақиқатгўй ва адолатли бўлишга ундайди: "Қуёш нури бекилмайди, ҳақиқат шами сўнмайди", деб таъкидлайди.

Буюк мутафаккир инсонларнинг нутқ одобини, сўзлаш маданиятини эгаллаши, сўзамол бўлиши, яъни сўз гўзаллигини билиши инсон учун энг яхши фазилат, деб билади, қаттиқ сўз айтмаслик, жеркиб гапирмаслик, бақариб сўзламасликка ундайди.

Бу каби фазилатларни ёшлиқдан тарбия қилиш зарурлиги, бунинг учун тарбияда, ота-оналарнинг, мурабийларнинг ибрати муҳим эканлигини, уларнинг ўз фарзандларини илмли, ақлли қилиб тарбиялашлари лозимлигини қуйидагича ифодалайди: "Ҳар қандай мушкул иш ақл эгаси томонидан ислоҳ қилинур". "Инсоннинг кийинишига қарама, билимига қара". Унинг фикрича, илм, ақл-заковат, камтарлик, уддабуронлик, мулойимлик, саҳоватли бўлиш инсоннинг жамиятдаги ўрни, қадрини белгилайди: "Тақаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадр-қимматини ва улуғворлигини зиёда қилмайди", "Кимки бахт-иқболли, солиҳ кишиларнинг этагидан тутса, у муродига етишар, хайру барақа топар".



Аз-Замахшарий ёшларни яхшилардан ўрнак олишга, касб ва илмни эгаллашга ундайди, бу ишда сабр-тоқатли бўлиш, чидамлилиқ, меҳнатни севиш, ўз мақсади сари интилиш фойда беришини таъкидлайди.

Хуллас, аллома, у уз даврининг инсонпарвар мутафаккири бўлган, ахлоқий қарашларида инсон шахси ва унинг фазилатларини юксакликка кўтарган, инсоний қадриятларга катта ўрин берган. Унинг таълим-тарбия, хулқ- одоб тўғрисидаги ибратомуз сўзлари, панд-насиҳатлари, ўғитлари Ўзбекистонимизда баркамол ва етук инсонни тарбиялашга ёрдам бериши шубҳасиздир.

References:

1. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар 1 китоб . Тошкент – 2004. 172-178 б.